

ARTICLE 19



Ўзбекистон: Журналистик Фаолиятини Ҳимоя Қилиш Тўғрисидаги Қонун

2019 йил Феврал

Ҳуқуқий таҳлил

ARTICLE 19

Фри Ворд Маркази
Фаррингдон Роуд, 60
Лондон
EC1R3GA
Бирлашган Қироллик

Тел: +44 20 7324 2500
Факс: +44 20 7490 0566
Электрон почта: info@article19.org
Веб сайт: www.article19.org
Тв: [@article19org](https://twitter.com/article19org)
Fb: facebook.com/article19org

ISBN: 978-1-910793-25-1

© ARTICLE 19, 2019

Ушбу мақола Creative Commons Attribution-Non-Commercial-Share Alike 2.5 лицензияси асосида тақдим этилган. Сиз ушбу мақоладан нусха кўчиришингиз, тарқатишингиз ва намойиш қилишингиз ва сизга тақдим этилган шартлар асосида дериватив ишлар тайёрлашингиз мумкин:

- 1) ARTICLE 19 га кредит бериш;
- 2) ушбу ишни тижорат мақсадида ишлатмаслик;
- 3) ушбу нашр асосида тайёрланган ҳар қандай мақолани шунга ўхшаш лицензия бўйича тарқатиш.

Ушбу лицензия бўйича тўлиқ қонуний матндан фойдаланиш учун:
<http://creativecommons.org/licenses/by-nc-sa/2.5/legalcode> саҳифасига ташриф буюринг.

ARTICLE 19 ушбу ҳисоботдаги маълумотлар асосида тайёрланган ҳар қандай материалнинг нусхасини олишидан миннатдор бўлади.

Умумий Маълумот

2019-йил феврида ARTICLE 19 Ўзбекистон Парламенти томонидан 1997 йилда қабул қилинган ва 2018 йил апрелида ўзгартириш киритилган “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” («Қонун») ги қонунни сўз эркинлиги халқаро стандартларига мувофиқлигини таҳлил қилди.

ARTICLE 19 куйидагиларни аниқлади: Қонун “профессионал журналистлар” ни “ҳимоя” билан таъминлашни назарда тутди ва бир қатор ижобий хусусиятларни ўз ичига олади, жумладан, цензура ва нашрни олдиндан тасдиқлашни тақиқлаш; шунингдек, ахборотни ҳимоя қилиш ва манбаларни ҳимоя қилиш каби бир қатор журналистларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди; ва журналистларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун давлат органлари ва бошқа органларнинг “жавобгарлигини” белгилайди.

Энг бошиданоқ ARTICLE 19 демократия одатда матбуотни ва / ёки “журналистларнинг касбий фаолиятини” тартибга солиш учун муайян қонунга эга эмаслигини қайд қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда сўз эркинлиги ҳолати бир неча йиллар мобайнида ARTICLE 19 нинг мунозарали мавзусидир, чунки мамлакатда сўз эркинлиги халқаро стандартларига мос келмайдиган бир қатор қонунлари мавжуд ва бу қонунлар мамлакатдаги оммавий ахборот воситаларини бошқариш учун ишлатилиб келинмоқда. Шундай қилиб, Қонун бошқа сўз эркинлигини чекловчи қонунчилик ҳужжатлари нуқтаи назаридан қандай талқин қилиниши аниқ эмас. Гарчи қонун аслида муаммоли бўлмаса-да, у ўзининг аниқ мақсади бўлган журналистларни ҳимоя қилишни амалга оширадими, ёки уни қабул қилишдан мақсад ҳар қандай шахс ёки бизнес учун қўлланиладиган умумий қонунлардан ташқари матбуотни назорат қилиш учун қўшимча механизмлар яратишми - бу аниқ эмас.

Таклифларнинг қисқача баёни

- Ўзбекистон сўз эркинлиги билан боғлиқ қонунчиликни тўлиқ баҳолаши ва қонунларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келишини таъминлаши керак. Қонунчилик, сўз эркинлигининг ҳар қандай чеклови халқаро инсон ҳуқуқларининг уч қисмли критерийларга қатиян юзланишини таъминлаши керак.
- Қонунда «Журналист» тушунчаси қайта кўриб чиқилиши керак. Журналистика янада функционал таъриф билан алмаштирилиши ва алоқа воситаси орқали жамоатчиликка ахборот йиғиш ва тарқатиш билан мунтазам ёки профессионал тарзда шуғулланган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга қўлланилиши керак.

-
- Қонунга, ҳар бир инсонга (журналистлар ва журналист бўлмаганлар) ахборотни излаш ва фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида ўзгартириш киритилиши керак. Ахборотдан фойдаланишнинг ҳар қандай чекловлари халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши керак. Ўзбекистон ахборот фойдаланиш эркинлиги ҳақида кенг қамровли қонунни қабул қилиши керак;
 - Журналистларнинг касбий ва ахлоқий меъёрларини белгиловчи Қонуннинг барча қоидалари бекор қилиниши керак. Мустақил, ўзини ўзи бошқарадиган орган, матбуот учун ахлоқий меъёрларни ўрнатиши керак. Эфирга узатиш бўйича мустақил бошқарув орган эфирга узатиш нормаларини белгилаши керак;
 - Манбаларни муҳофаза қилиш қонундаси мажбурят сифатида эмас, балки ҳуқуқ сифатида қаралиши ва у доимий равишда ахборотни профессионал ёки мунтазам равишда тарқатиш билан шуғулланадиган ҳар бир шахсга қўлланилиши керак. Қонун манбаларнинг махфийлигига чеклашлар халқаро сўз эркинлиги стандартларига мос келишини таъминлаши керак;
 - Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги қонун аккредитация фақатгина чекланган жой туфайли барча манфаатдор журналистларнинг йиғилишга қатнаша олмадлиги ёки муайян органнинг фаолиятини назорат қилиш учунгина қулланиши керак. Қонунда аккредитация қилишнинг аниқ қоидалари орқали мунозарали аккредитацияни рад қилишга қарши кафолатлар киритилиши керак. Аккредитация мустақил журналистлар касаба уюшмаси каби мустақил идора томонидан назорат қилиниши керак. Судда аккредитациядан воз кечишга шикоят қилиш ҳуқуқи бўлиши керак;
 - Ўзбекистон мамлакатнинг адлия тизими тўлиқ мустақил ва мамлакатдаги барча инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етарли маблағга эга бўлиши керак. Улар барча қонунларни сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари учун халқаро стандартларга мос равишда шарҳлашлари керак. Бундай қоидалар ички қонунчиликнинг бир қисми бўлиши керак.

Мундарижа

| | |
|---|-----------|
| Умумий Маълумот | 1 |
| Кириш | 4 |
| Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар | 6 |
| Халқаро ҳуқуқда сўз эркинлигини ҳимоя қилиш | 6 |
| Сўз эркинлиги ҳуқуқи чекловлари | 7 |
| Оммавий Ахборот Воситаларини тартибга солиш | 8 |
| Ўзбекистон Конституцияси | 9 |
| Қонунни таҳлили | 10 |
| Умумий қузатувлар | 10 |
| Scope of the Law and definition of "journalist" | 12 |
| Журналистларнинг ҳуқуқлари | 15 |
| Журналистларнинг мажбуриятлари | 17 |
| Манбаларни ҳимоя қилиш | 18 |
| Журналистларни аккредитация қилиш | 20 |
| Ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик | 22 |
| ARTICLE 19 ҳақида | 23 |

Кириш

2019-йил феврал ойида, ARTICLE 19 1998 йилда қабул қилинган ва 2018 йил 18-апрелда¹ ўзгартириш киритилган “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунни (Қонун) сўз эркинлиги халқаро стандартларига мувофиқлигини таҳлил қилди. Қонун кўринишича профессионал журналистларга ҳимоя ва кенг қамровли ҳуқуқлар, кафолатлар ва мажбуриятлар белгилаб беради.

ARTICLE 19 Қонуннинг бир қатор ижобий хусусиятларини юқори баҳоласа ҳам, биз Қонуннинг меъёрлари, умумий ҳолда мамлакатда сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқларига изчил чеклаш асносида баҳоланиши кераклигини таъкидлаймиз. Ўзбекистон Конституциясида сўз эркинлиги ва матбуот² эркинлиги кўзда тутилган бўлса-да, Ўзбекистон ҳукумати амалда қонун устуворлигини кўп ҳам ҳурмат қилмайди. Гарчи Ҳукумат яқинда баъзи демократик ислохотларни амалга оширган ва баъзи сиёсий маҳбусларни, шу жумладан журналистларни озод қилган бўлса-да, мамлакат дунёдаги энг муаммоли инсон ҳуқуқлари баёнотига эга³. Цензурани тақиқлаш бўйича қонуний ва конституциявий қоидаларга қарамасдан, кўплаб қилинган ҳисоботлар қонун ва ҳақиқат ўртасидаги зиддият борлигини кўрсатади⁴. Шу боис, қонун бу мамлакатда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқлари вазияти нуқтаи назаридан ўқилиши керак. Шунингдек, у тегишли қонунчилик, хусусан, 2007 йилги (2018 йил апрелида ўзгартириш киритилган)⁵ Оммавий Ахборот Воситалари тўғрисидаги қонун билан биргаликда ARTICLE 19 томонидан кўриб чиқилиши ва таҳлил қилиниши керак, ҳамда Фармонлари тегишли Фармонлари, хусусан Хорижий Оммавий Ахборот воситалари тўғрисидаги (2018 йил март ойида тўзгартирилган)⁶ Фармонига мувофиқ таҳлил қилиниши керак. Тегишли қонунчилик ҳам муаммоли, чунки у сўз эркинлиги халқаро стандартларига мос келмайди.

¹ “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун, 24-апрел 1997 №402-И, <http://lex.uz/acts/2024> сайтида мавжуд. Таҳлил Қонуннинг норасмий таржимасига асосланган. ARTICLE 19 таржимадаги ноаниқликлардан келиб чиқадиغان таҳлиллар хатоси юзасидан жавобгар бўлмайди.

² Freedom House, Матбуот эркинлиги: Ўзбекистон, 2017.

³ Human Rights Watch, Ўзбекистонда Цензура Ҳали Ҳам Тирик, 13 декабр 2017.

⁴ Human Rights Watch нинг Ўзбекистон бўйича ҳисоботини кўринг, 1997.

⁵ “Оммавий ахборот воситалари тўғриси” даги Қонун, Январ 2007, <https://bit.ly/2SmhdTm> сайтида мавжуд; 2018 йилги ўзгартиришлар <https://bit.ly/2VdbRfa> сайтида мавжуд.

⁶ Хорижий матбуотни тартибга солиш тўғрисидаги фармон, 2006 йил феврал, <http://www.lex.uz/docs/973661>; 2018 йилги ўзгартиришлар <https://bit.ly/2GDZmGg> да мавжуд.

Мазкур таҳлилда ARTICLE 19 халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари билан Қонуннинг ўртасидаги тафоввут борасида ўз ташвишларини билдиради; биз Қонунни қандай ўзгартириш мумкинлиги юзасидан ҳам конструктив тавсияларни таклиф қилмоқдамиз. Биз қонуннинг муаммоли меъёрларини сўз эркинлигининг халқаро стандартларга қандай мослаш мумкинлигини тушунтириб берамиз ва асосий тавсияларни баён қиламиз.

ARTICLE 19 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Парламентини ушбу таҳлилда аниқланган камчиликларни кўриб чиқиш учун қонунни сўз эркинлиги халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлашга чақирамиз. Биз шунингдек, ҳукуматни сўз эркинлиги ҳақидаги барча қонунларни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва уларни ҳам халқаро стандартларга мувофиқлаштирингизни сураймиз. Мамлакатда сўз ва ахборот эркинлигини ҳимоя қилишни такомиллаштиришга қаратилган ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистонда барча манфаатдор томонларга ўз кўмагимизни таклиф қиламиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар

Халқаро ҳуқуқда сўз эркинлигини ҳимоя қилиш

Сўз эркинлиги ҳуқуқи бир қатор халқаро инсон ҳуқуқлари шартномалари, жумладан **Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (ИХҲД)**⁷ нинг 19 моддаси ва **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг (ФСҲҲП)**⁸ 19 моддаси билан ҳимояланган. Сўз эркинлиги, Ўзбекистон томонидан қабул қилинган, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) нинг турли хил ҳужжатларида, Хелсинки Якуний Қарорида,⁹ ЕХҲТнинг инсоний қадриятлар Копенгаген йиғилишининг якуний ҳужжатида,¹⁰ 1990 йилда имзоланган Париж Уставида,¹¹ 1994 Будапештдаги ЕХҲТ Саммитининг якуний ҳужжати¹² ва Истанбул саммит декларациясида ҳам қафолатланган.¹³

Сўз эркинлигининг аҳамиятини қарорларида акс эттирилган.¹⁴ Гарчи бу воситалар, улар асосида иш олиб бораётган судлар ва трибуналлар қарорлари, Ўзбекистон билан бевосита боғлиқ бўлмасада, улар сўз эркинлиги ҳуқуқининг мазмуни ва қўлланилишининг муҳим қиёсловчисидир ва 1995 йил август ойида Ўзбекистон томонидан ратификация қилиниб ва шунинг учун мажбурий саналган Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 19 моддасини талқинини осослаб бериш учун ишлатилиши мумкин.

⁷ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Бош Ассамблеяси (БА) Резолюцияси 217А (III), 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган.

⁸ БА Резолюцияси 2200А (XXI), 21 UN GAOR Supp. (No. 16) at 52, **A/RES/21/2200**, 16 декабр 1966 йил.

⁹ ЕХҲТ, Хелсинки, 1975 йил 1 август

¹⁰ ЕХҲТнинг Инсоният ўлчови бўйича Копенгаген мажлиси, июн 1990; хусусан, 9.1 ва 10.1-бандларни қаранг.

¹¹ Янги Европа учун Париж Хартияси, ЕХҲТ Саммити, 1990 йил.

¹² Янги даврда ҳақиқий ҳақорлик йўлида, 1994 йил Будапештда бўлиб ўтган ЕХҲТ саммити, 36-38-бандлар.

¹³ ЕХҲТ Истанбул саммити, 1999, 27-модда; шунингдек, ушбу йиғилишда қабул қилинган Ёвропа хавфсизлиги Низомининг 26-бандига қаранг.

¹⁴ Қаранг, 1981 йил 26-июнда қабул қилинган, 21 октябрда кучга кирган Инсон ва Халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартияси; 22 ноябр 1969 йилда қабул қилинган, 18 июл 1978 йилда кучга кирган Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси; ва 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган, 1953 йил 3 сентябрда кучга кирган Европа инсон ҳуқуқлари конвенцияси (Европа конвенцияси), 5-сонли.

Сўз эркинлиги ҳуқуқи чекловлари

Халқаро стандартларга мувофиқ сўз эркинлиги ҳуқуқига чекловлар «уч бошқичли тест» деб номланадиган шартларга мувофиқ бўлиши керак:

- **Қонун билан белгиланган:** ҳар қандай қонун ёки қоидалар шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатларини тартибга солишга имкон бериш учун етарли даражада аниқлик билан тузилиши керак;
- **Қонуний мақсадга эришиш учун:** қуйидагиларга эътибор қаратишлари керак: бошқаларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш; миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини (жамоат тартибини), ёки соғлиқни сақлаш ва ахлоқий меъёрларни муҳофаза қилиш;
- **Демократик жамиятда керакли мутаносиблик:** яъни агар енгил чора кўришни қўллаш қаттиқ чора кўришдек самара берса у ҳолда энг кам чеклашли чора қўлланилиши керак.¹⁵

Шунингдек, ФСХПнинг 20-моддаси (2) бандига асосан, камситиш, душманлик ёки зўравонликка сабаб бўладиган миллий, ирқий ёки диний нафратни ёйишни қонун билан тақиқланиши шарт. Шу билан бирга, зўравонликларни кўзғатиш одамларнинг норозилигини ёки камситишга олиб келадиган фикр билдиришдан огиррок.¹⁶ Халқаро миқёсда эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) доирасида Инсон Ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссар Офиси (ОНСНР)¹⁷ 20-модданинг 2-бандига асосан Рабат ҳаракат режасини ишлаб чиқди қайсики ўз навбатида зўравонликни кўзғатиш ҳақидаги қонуннинг аниқ таърифини беради.

¹⁵ Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси, *Velichkin vs Belarus*, 1022/2001 сон, БМТ хужжат. Comm. No. 1022/2001, UN Doc. C/85/D/1022/2001 (2005).

¹⁶ *C.f.* Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди (the European Court), *Handyside vs the UK*, 6 июл 1976, 56-б.

¹⁷ ИҲОКО (ОНСНР) 2012-йилги дискриминация, душманлик ёки зўравонликка сабаб бўлган миллий, ирқий ёки диний нафратни тарғиб қилишни тақиқлаш бўйича Рабат Ҳаракат Режасига қаранг. Айниқса, бир нутқни давлатлар томонидан нафратни кўзғатиш сифатида кўриб чиқишини баҳолашда олтига қисмли мезонни ҳисобга олиш кераклигини аниқлаштиради.

Оммавий Ахборот Воситаларини тартибга солиш

Сўз эркинлиги кафолати оммавий ахборот воситаларига маълум таъсир этади. Инсон ҳуқуқлари халқаро ташкилотлари “қонун устуворлиги асосида бошқариладиган давлатда матбуотнинг муҳим роли”¹⁸ ҳақида ва демократик жамиятда матбуотнинг муҳим роли ҳақида қайта қайта таъкидлашади.¹⁹

Оммавий ахборот воситаларини тартибга солиш муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Бир томондан сўз эркинлиги ҳукуматни аралашувини чеклашни талаб қилади, бошқа томондан эса, ФСХПнинг 2-моддасида давлатларни Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган қонуний ёки бошқа чораларни кўришга мажбур қилади. Бу шуни англатадики, давлатлар шу ҳуқуқларни таъминлаш учун ижобий чоралар кўриш ва жумладан сўз эркинлиги ҳуқуқини хурмат қилиши керак.

Сўз эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун оммавий ахборот воситалари давлат назоратидан мустақил ишлашига йўл қўйилиши шарт. Бу оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик кузатувчиси сифатида ролини таъминлайди ва жамоатчиликга ҳар хил фикрлар айниқса жамоатчиликга тегишли фикрлар билан танишишга имкон беради. Бу оммавий ахборот воситаларининг тартибга солувчи моделларни қўлланилиши учун муҳим аҳамиятга эга:

- Ўз-ўзини бошқариш - босма ва онлайн медиага асосланган оммавий ахборот воситаларини тартибга солишнинг авзал моделидир, яъни ОАВ ўзининг масъулиятини ахлоқий медиа меъёрларига мувофиқ равишда ишлаб чиқиши ва таъминлаши керак. Бу одатда давлатдан мустақил бўлган ва аъзо бўлиш учун ҳамма оммавий ахборот воситалари учун очиқ бўлган Матбуот Кенгашларини тузиш билан амалга оширилади. Матбуот кенгашларининг мандатлари ҳар хил, аммо одатда улар касбий ва ахлоқий меъёрларни белгилашга ва ушбу стандартларга мувофиқлиги бўйича шикоятларни олишда масъулдир.
- Эфирга узатувчи ахборот воситаларини, яъни радио ва телевидениени тартибга солиш алоҳида ўрнатилиши керак. Бунинг сабаби эфирга узатиш спектри чекланган оммавий манбадир ва давлат бу спектрни кўпгина турли дастурлар учун жамоат манфатлари йўлида ишлатилишини тахминлашда муҳим рол, чекланган бўлсада, ўйнайди. Медиа мустақиллигини таъминлаш

¹⁸ Қаранг, Европа суди, *Thorgeirson vs Iceland*, 25 июн 1992, 63-606 ёки *Castells vs Spain*, 24 Апрель 1992, 43-606.

¹⁹ Европа суди, *Dichand and others vs Austria*, 26 феврал 2002, 40-606.

билан бир қаторда турли хил ва кўп сонли эшиттириш дастурлари билан таъминлаш жуда қийин вазифадир. Бу давлатдан оммавий ахборот воситаларининг плюрализми ва хилма-хиллигини максимал даражага кўтариш учун мўлжалланган шаффоф эшиттириш сиёсати асосида эфир частоталарининг адолатли тақсимланишини таъминлаш учун мустақил, ошқора ва ҳисобот берадиган тартибга солиш органини яратишни талаб қилади. Интернет ва босма оммавий ахборот воситаларидан фарқли ўлароқ, ушбу орган ўз-ўзини бошқарувчи эмас, бироқ соҳадан ҳамда давлат ва сиёсий партиялардан мустақил бўлиши керак.

Ўзбекистон Конституцияси

Ўзбекистон 1995 йил август ойида Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактни ратификация қилган. Ўзбекистон Конституцияси²⁰ (1992 йил декабрида қабул қилинган) “инсон ҳуқуқларига”, “демократия ғояларига ва демократик ва адолатли давлат қуриш ғояларига садоқатли экани”ни эътироф этади ва “халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган халқаро стандартларининг устуворлиги ва аҳамиятини” тан олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига кўра Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, фойдаланиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва суз эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддаси: «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.» деб белгилайди.

²⁰ Constitution of the Republic of Uzbekistan, available at <http://www.lex.uz/acts/35869>.

Қонунни таҳлили

Умумий кузатувлар

Биринчидан, ARTICLE 19 Қонун жуда қисқа (15 моддадан иборат) эканлигини таъкидлайди. Унинг номи ва мақсадидан (1-модда) келиб чиқиб, унинг асосий мақсади “профессионал журналистлар” ни “ҳимоя” билан таъминлашдир. Қонун шу билан бирга бир қатор ижобий хусусиятларга эга, жумладан:

- ички қонун ҳужжатларига нисбатан халқаро шартномаларнинг устунигини белгилаш (2-модда);
- нашрни цензура қилиш, босма ва эфирга узатилган материалларни олдиндан тасдиқлаш, ўзгартириш ёки олиб ташлашни тақиқланиши (4-модда);
- Журналистларнинг ҳуқуқларини (5-модда) белгилайди жумладан; ахборот сўраш ва турли органлардан ҳужжатларни олиш ҳуқуқи, журналистик терговни олиб бориш, давлат органлари тадбирларида иштирок этиш, учрашувлар ўтказиш сўровномаларни бериш, суд мажлислари ва бошқа муҳим тадбирларда қатнашиш, қонунга зид келадиган топшириқларни бажаришдан воз кечиш, агар материаллар таҳририят томонидан нашр этилгунга қадар ўзгартирилган бўлса, журналистлар тайёрлаган материалларга имзо чекишдан бош тортиш, журналистлар уюшмаларига аъзо бўлиш ва миллий қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин;
- журналистик манбаларнинг махфийлигини таъминлаш ҳуқуқи (7-модда);
- шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (8-модда) ва қонун билан ҳимояланган бошқа ҳуқуқлар (10-модда);
- журналистларнинг ҳуқуқларини бузиш учун давлат органлари ва бошқа органларнинг жавобгарлигини ўрнатиш;
- Тергов журналистикасини ўтказиш (9-модда) ва бундай текширувлар натижасида тўпланган материалларни қидириш ва олиб қўйишнинг олдини олиш ҳуқуқи.

Шунга қарамай, ARTICLE 19 Ўзбекистонда сўз эркинлиги бир неча йиллар давомида жиддий ташвишга соладиган масаладир деб таъкидлайди. Бугунги кунда мамлакатда сўз эркинлиги халқаро стандартларига мос келмайдиган бир қатор қонунлар мавжуд. Бундан ташқари, бир нечта ҳисоботларда қайд

этилганидек, Ўзбекистон кўпинча сўз эркинлиги ҳуқуқини ва юқорида кайд этилган кафолатларни (хусусан, Қонуннинг 8 ва 10-моддалари) тез-тез бузиб келмоқда. Умуман олганда, яқинда амалга оширилган бир қатор ижобий ўзгаришларга қарамасдан, журналистлар ва оммавий ахборот воситалари мамлакатда эркин ва мустақил фаолият юрита олмаяптилар. Шундай қилиб, Қонун бошқа сўз эркинлигини тақиқловчи қонуний ҳужжатлари нуқтаи назаридан қандай талқин қилиниши аниқ эмас. Гарчи қонун муаммоли кўринмасда, у аслида журналистларни ҳимоя қилишнинг аниқ мақсадини амалга оширадими ёки унинг қабул қилиниши ҳар қандай шахсга ёки бизнесга нисбатан кўлланиладиган умумий қонунларга кўшимча равишда матбуот устидан кўшимча назорат механизмларини яратишни кўзда тутадими- бу нарса шубҳали.

Шунинг учун, ARTICLE 19 Қонуннинг асосий қоидаларини журналистларнинг ҳимояси – албатта журналистларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусан, уларнинг журналистика ва соғлом демократиянинг амалга оширилишда асос бўлган сўз эркинлигини тўлиқ ҳимоя қилиш асосида таҳлил қилади. Бизнеснинг фикримизча ва мамлакатдаги тажрибамизга асосланиб, кўпчилик қўлга киритилган қоидалар ҳаётда аксича кулланилади – яъни журналистларни қўллаб қувватлаш керак вақтида уларнинг сўз эркинликларига ва бошқа инсон ҳуқуқларига кўп чекловлар қўйилган. ARTICLE 19 га кўра, журналистларнинг сўз эркинлиги ва бошқа инсон ҳуқуқлари бўйича чекловлар Ўзбекистоннинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларини аниқ бузилиши деб ҳисобланади.

Тавсиялар:

- Ўзбекистон сўз эркинлиги билан боғлиқ қонунчиликни тўлиқ баҳолаши ва барча қонунларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларга тўлиқ мос келишини таъминлаши керак. Қонунчилик, сўз эркинлигини ҳар қандай чеклашлар халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари бўйича уч қисмли тестларга қатъий роия қилишини таъминлаши керак.

Scope of the Law and definition of “journalist”

ARTICLE 19 Қонун “журналистларнинг касбий фаолияти” ни ҳимоя қилишни чеклайётганидан ховотирда. Биз, бу асл таҳлилдаги қонунга, яъни унда белгиланган мақсади “журналистларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш” ва “журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилувчи қонунчиликни бузиш учун жавобгарликни белгилаш” га ўзгариш эканлигини тушундик.

Қонуннинг 3-моддасида журналистга “ишга ёллаш ёки бошқа шартнома асосида оммавий ахборот воситалари учун материаллар йиғадиган, таҳлил қиладиган, таҳрир қиладиган, тайёрлайдиган ва тарқатадиган” шахс деб тариф берилган. 2018 йил апрел ойида киритилган ўзгартиришлар бу таърифни бироз кенгайтирган бўлсада, бироқ бу таъриф, Қонуннинг доираси жуда чекланганлигини англатади ва журналистиканинг жуда тор маъносини акс эттиради.

ARTICLE 19 “Журналистика” тушунчаси 1997 йилда қабул қилинганидан буён сезиларли даражада кенгайганлигини қайд этади. Ҳозирда “журналистика” ёки “журналистик фаолият” ни ташкил этадиган меъзонларнинг келишилган ҳалқаро миқёсдаги таърифи мавжуд бўлсамада, Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита ва Европа Кенгаши журналистикага тахминий тарифини берди. Хусусан, улар “фуқаро журналистлари” маълумот йиғишда ва тарқатишда муҳим рол ўйнаётганини такидлайди. Энг муҳими, улар “журналистиканинг” функционал таърифини тақлиф қилдилар, улардан бири, янги ахборот воситалари, яъни малум бир меъзонларга жавоб берадиган воситалар, асосида оммавий мулоқат қилишни қамраб олади.

Ўзининг 34- Умумий Шарҳда БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси (Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси), давлатларнинг ФСХҲПга риоя қилинишини мониторинг қилувчи мустақил экспертлар шартномаси органи “журналистика” га қуйидагича таъриф берди:

Журналистика –кўлаб иштирокчилар шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, Интернетда ёки бошқа жойларда ўз-ўзини нашр қилиш билан шуғулланадиган блоггерлар ва бошқа шахсларнинг бажарадиган функциясида ва журналистларни рўйхатга олиш ёки лицензиялаш тизими [19-модда] 3-бандга зиддир. Чекланган аккредитация схемаси фақат журналистларнинг маълум жойларга ва / ёки воқеаларга имтиёзли киришларини таъминлаш учун керак бўлганда рухсат этилади. Бундай схемалар орқали чекланишларни олдини олиш ва объектив мезонларга асосланган 19-моддага ва Пактнинг бошқа моддаларига мос келадиган

тарзда қўлланилиши ва журналистика кўплаб субъектлар томонидан биргаликда бажариладиган функция эканлигини ҳисобга олган ҳолда қўлланиши керак.²¹

Бошқача айтганда, журналистика - ҳар қандай ахборот воситалари орқали жамоатчиликка ахборотни йиғиш ва тарқатишдан иборат бўлган фаолият.

Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси (ЕК) “журналист” атамасининг кенг таърифини қабул қилди. Қўмитанинг Р (2000) 7-сонли Тавсиясида:

“Журналист” атамаси оммавий ахборот воситалари орқали оммавий ахборот йиғиш ва тарқатишда мунтазам ёки профессионал иштирок этувчи ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсни англатади.²²

Шунингдек, у аъзо давлатларни қуйидагиларга чақирди:

- Оммавий ахборот воситаларининг хабарни олишда ва тарқатишда иштирок этувчи барча иштирокчиларни ўз ичига олган (масалан, ахборот, таҳлил, шарҳ, фикр билдириш, таълим, маданият, санъат ва ўйин-кулги, аудио, визуал, аудиовизуал ёки бошқа шаклларни) янги, кенг қамровли тушунчасини қабул қилишни ва интерактив оммавий мулоқотга кўмаклашиш учун тузилган иловалар (масалан, ижтимоий тармоқлар) ёки моҳиятга асосланган бошқа кенг кўламли интерактив воқеалар (масалан, онлайн ўйинлар); ва шу билан бирга редакторлик ва матн таркибини назоратни сақлаган ҳолда.
- Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенциясининг 10-моддасига биноан ахборотни излаш, фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқини кафолатлаш учун оммавий ахборот экотизимида хизматлар ёки маҳсулотларни етказиб берадиган барча иштирокчиларга нисбатан норматив талабларни кўриб чиқиш ва 10-модда ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган аралашувлардан ҳимоя қилиш, шу жумладан ўзбошимчилик билан ўз-ўзини чеклаш ёки ўз-ўзини цензура қилиш хавфига олиб келадиган ҳолатлар бўйича.²³

²¹ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси, 19-модда юзасидан “Фикр ва Сўз эркинлиги” тўғрисидаги Умумий 34 – Шарҳи, ССРР/С/ГС/34, 12-сентабр, 2011-йил, 44-боб.

²² Вазирлар қўмитаси, Вазирлар қўмитасининг 2000 йил 8 мартдаги 701-сонли вазирларнинг ўринбосарлари йиғилишида қабул қилинган журналистларнинг ахборот манбаларини ошкор қилмаслик ҳуқуқи бўйича Р (2000) 7-сонли аъзо давлатларга Тавсияси.

²³ 2011 йил 21 сентябрда қабул қилинган янги медиа концепцияси бўйича Вазирлар қўмитасининг аъзо давлатларга СМ / Рес (2011) 7 тавсияси.

Бундан ташқари, Вазирлар Қўмитаси муайян мезонни бажарилаётган ёки бажарилмаётганини аниқлаш учун бир қатор кўрсаткичларни тақдим этди. Мисол учун, ахборотни тарқатишда иштирок этувчи муайян ташкилот ёки шахс, жамоатчиликнинг мезонига тўлиқ жавоб беради агар улар:

- очиқ;
- ишончли;
- хилма-хилликни таъминлайдиган ва плурализмнинг қадр-қимматини ҳурмат қиладиган;
- касбий ва ахлоқий меъёрларни ҳурмат қиладиган; ва.
- ҳисобдор ва ошкора бўлса.²⁴

Шу билан бирга, Вазирлар Қўмитаси ҳар бир мезон эгиловчан равишда қўлланилиши кераклигини таъкидлайди.²⁵

Шунинг учун Қонуннинг 3-моддасидаги “журналист” таърифи муаммолидир, чунки у Ўзбекистонда журналист бўлишни истаган (ва қонунда белгиланган химоя ҳуқуқига эга бўлиш) ҳар ким учун иш шартномаси мажбурий эканлигини белгилайди. Шундай қилиб, ушбу қоида сўз эркинлиги ҳуқуқини бузувчи журналистларни лицензиялаш схемасини шакллантиради. ARTICLE 19 сўз эркинлиги ҳуқуқи (ва журналист сифатида ишлаш ҳуқуқи) ҳар кимга тегишли эканлигини ва ахборотни жамоатчилик манфаатларида тарқатиш фаолияти иш ёки шартнома келишувларини талаб қиладиган нарса эмас деб билади. Бундан ташқари, у ҳамма журналистларга, шу жумладан муҳаррирлар, шарҳловчилар, эркин ходимлар ва ярим кунлик муаллифлар, блоггерлар, фуқаро журналистларига ва журналистик жараёнга жалб қилинган маълумот берувчи барча шахсларга нисбатан қўлланилиши керак. Ҳимоя - чоп этиш, электрон почта, интернет ва китобларни ўз ичига оладиган форматга ёки воситаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилиши керак. Химоя - журналистлар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ташкилотчилари, муҳаррирлар, чоп этувчилар, тарқатувчилар ва телекоммуникация провайдерлари билан профессионал муносабатларга эга бўлган барча шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши керак.

Тавсиялар:

- Қонунда «журналист» тушунчаси кенгайтирилиб, бунданда пухта ишлаб чиқиши керак. Бу журналистиканинг янада функционал таърифи билан алмаштирилиши ва ҳар қандай алоқа воситаси орқали жамоатчиликка ахборотни тўплаш ва тарқатишда мунтазам ёки профессионал равишда жалб этиладиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга қўлланилиши керак.

²⁴ Айни.

²⁵ Айни.

Журналистларнинг ҳуқуқлари

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Article 19, сўз эркинлигини ҳимоя қилишни ифодалайдиган ва журналистик фаолият билан шуғулланувчи шахсларни ҳимоя қиладиган ҳар қандай қонунларни қўллаб қуватлайди (олдинги қисмга қаранг). Биз Қонуннинг 5-моддасидаги (2018 йилги апрелдаги киритилган ўзгартиришлар асосида моҳияти ўзгармаган) маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш қондаси, яъни журналистлар, “давлат сирлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирлардан истисно”, давлат ва бошқа идоралардан ахборот олишни сўрашлари ва улардан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини қадрлаймиз.

Биринчи қисмдаги, журналистлар давлатга тегишли ахборот олиши ва ушбу маълумотни жамоатчиликка етказиш ҳуқуқига эга эканлиги билан қувонтиради. Иккинчи қисмда журналистларга ахборотни ошкор қилиш тамойилига истиснолар келтирилган. Бу охириги қисм ҳаддан ташқари кенг.

ARTICLE 19 таъкидлашича, ахборот олиш ҳуқуқининг халқаро стандартларга кўра, барча давлат органларига юборилган ахборот сўровлари - журналистлар томонидан ёки жамоатчилик вакиллари томонидан юбориладими, қониқтирилиши керак, агар давлат органи маълумотларнинг қатъий уч қисми синов билан рухсат этилган чеклашлар қаторига киритилганини кўрсатиб бера олса бундан истисно:

- ахборот қонунда кўрсатилган қонуний мақсадга тегишли бўлиши керак;
- ошкор қилиш ушбу мақсадга жиддий зарар етказиши мумкинлигига таҳдид солиши керак;
- ва мақсадга зарар етказиш ахборотга эга бўладиган жамоатчилик манфаатларидан юқорироқ бўлиши керак.²⁶

ARTICLE 19 таъкидлашича, Қонуннинг 5-моддаси қоидалари максимал ошкоралик принципига истиснолар бўйича ушбу уч қисми тестни акс эттирмайди. Бундан ташқари, журналистларнинг ушбу Қонунга мувофиқ ахборот олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчиликнинг ахборот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилишдан қандайдир тарзда фарқ қилиши кўрсатилмаган. Бироқ, қонунда журналистлар ва жамоатчилик вакиллари, уларнинг ахборот олиш ҳуқуқи эгалари сифатидаги, муносабат фарқи тушунтирилмаган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон “давлат сирларини” ва “қонун билан ҳимояланган бошқа сирларни”, сўз эркинлиги халқаро стандартларга жавоб берадиган, аниқ

²⁶ Қаранг Article 19, Библия Ҳуқуқи Тамойиллари, дастлаб 1999 йилда ишлаб чиқилган ва 2015 йилда ўзгартирилган 4 тамойил. 2004 йил, Махсус Ваколатли Қўшма Махсус Мандатлар, 6 Декабр 2004 йил.

тушунчаларини ҳали қабул қилмаган.²⁷ Амалдаги давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилмаган.²⁸

Тавсиялар:

- Қонунга ҳар бир инсон (журналист ва журналист бўлмаган) ахборотдан эркин фойдаланиши ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида ўзгартириш киритилиши керак. Ахборотдан фойдаланиш бўйича чеклашлар халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши керак. Ўзбекистон ҳам кенг қамровли ахборот олиш эркинлиги Қонунини қабул қилиши керак.

²⁷ С.ф. OECD, Истанбул Коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбирлар режаси, Мониторингнинг учинчи раунди: Uzbekistan – Progress Update, сентябр 2017, <https://bit.ly/2T5bwhj> да мавжуд.

²⁸ Давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, 1993 йил май, <http://www.lex.uz/docs/98845> да мавжуд.

Журналистларнинг мажбуриятлари

Қонуннинг бир нечта қоидаларида журналистларнинг маъсулиятлари ва мажбуриятлари кўрсатилган – 6-моддаси, 71-моддаси ва 15-моддалар. Бунга, жумладан, “қонун талабларига амал қилиш”, “халис ахборот бериш”, “ишончлилиги” ёки “ журналистик ахлоқ қоидаларига риоя қилиш” (журналистлар профессионал бирлашмаси томонидан белгиланади) ва “қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар” киради.

Қонун профессионал касбий ахлоқ қоидаларини профессионал уюшма томонидан белгилаш кераклигини назарда тутада, ARTICLE 19 давлат журналистларга профессионал маъсулият юклатишидан жуда ташвишда. Кўплаб демократик мамлакатларда журналистик ахлоқ фақат ўзини ўзи бошқариш масаласидир. Биз ЕХҲТнинг Оммавий Ахборот Воситалари Эркинлиги бўйича Вакилининг баёнотини эслатиб ўтамыз:

Ҳақиқий ахлоқий меъёрлар фақат мустақил оммавий ахборот воситалари мутахассислари томонидан ўрнатилиши мумкин ва улар томонидан фақат ихтиёрий равишда риоя қилиниши керак. Яхши ният билан қабул қилинганми йўқми, қонун орқали журналистларга нисбатан стандартларни жорий этишга қаратилган ҳар қандай уриниш уларнинг ҳуқуқий эркинликларини ва жамиятдаги эркин ахборот оқимини мунозарали чеклинишларга олиб келади.²⁹

Таъриба шуни кўрсатадики, ахлоқий масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш кўпинча ҳукуматни танқид қиладиган журналистларни таъқиб қилишга олиб келади. Бинобарин, давлат журналистларнинг профессионал вазифаларини белгилашда ҳеч қандай рол ўйнамаслиги керак. Бу оммавий ахборот воситалари ўз-ўзини бошқариш масаласидир. Бу давлатни сўз эркинлигига қонуний чекловлар қўйишга тўсқинлик қилмайди, масалан, тўхмат тўғрисидаги қонунлар, лекин улар ҳали ҳам сўз эркинлиги учун халқаро стандартларга тўла мос келишлари керак.

Тавсиялар:

- Қонундаги журналистлар учун касбий ва ахлоқий меъёрларни белгиловчи барча қоидалар бекор қилиниши керак. Мустақил, ўзини ўзи бошқариш органи матбуот учун этик стандартларни ўрнатиши керак. Мустақил, эфирга узатишни тартибга солувчи (регулятор) эфирга узатиш стандартларини белгилаши керак.

²⁹ Миклос Ҳараста, Оммавий Ахборот Воситаларининг ўз-ўзини тартибга солиш тамойиллари, Ҳуқуқ ва мажбуриятларни мувозанатлаш, Медиа ўз-ўзини бошқариш, барча саволлар ва жавоблар, OSCE, 2008, 15 боб.

Манбаларни ҳимоя қилиш

Қонуннинг 7-моддаси (2018 йил апрелида ўзгартириш киритилган) сўз эркинлигини ажралмас қисми ва “матбуот эркинлиги учун асосий шартлардан бири”, манбаларнинг махфийлиги билан боғлиқ. «Журналистикада махфий ахборот - бу маълумот, шунингдек, ўз номларини ошкор қилмаслик шarti билан бошқа ахборот манбаларидан фойдаланган фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда етказилган факт ва ҳодисалардир. Журналистнинг сирли маълумот деб классификация қилинган малумотни манбани рухсатсиз ошкор этилишига йўл қўйилмайди, шунингдек, бундай маълумотни ўзининг шахсий фойдаси ёки учинчи шахсларнинг фойдаси учун ишлатиш мумкин эмас.

ARTICLE 19 манбаларни ҳимоя қилиш мажбуриятини юқори баҳолайди. Шунга қарамай, 7-модданинг қоидалари жуда ноаниқ деб қайд қилади. Масалан, журналистларни манбани тўғридан тўғри исмини етмасдан бошқа усуллар билан ошкор қилишга мажбурлаш мумкинми ёки йўқми аниқ эмас. Қайси шартларда, ким ва қандай шароитда “ахборот сир тутилади” деб белгилаши ҳам аниқ эмас. Шунингдек, биз ушбу қоидаларнинг манбаларини ҳимоя қилиш журналистларнинг ҳуқуқи эканлигини ва уни ошкор қилмасликнинг қонуний мажбуриятини келтириб чиқарадиган аънавий презумциясини бекор қилишини муаммоли деб топамиз. Ушбу масала ҳеч қачон халқаро суд томонидан кўриб чиқилмаган бўлса-да, оммавий ахборот воситалари учун масъулият сифатида манбанинг конфиденциаллигини юклаш билан потенциал жиддий муаммолар мавжуд.

ARTICLE 19 манбаларнинг ҳимояси халқаро,³⁰ минтақавий³¹ ва миллий³² стандартларда кўриб чиқилганлигини қайд қилади. Ушбу стандартлар журналистларнинг (функционал белгиланган) ахборот манбаларини ошкор

³⁰ Қаранг, масалан, Article 19, Журналистларнинг манбаларини ва хабарчиларини ҳимоя қилиш бўйича Махсус Маърузачининг маслаҳатига жавоб, июл, 2015; 2008 йилги Махсус Ваколатли Қўшма Декларация, 2008 йил 15 декабр; Вазирлар Қўмитасининг Р (2000) 7-сонли Тавсияси. *op. cit.*

³¹ Сўз Эркинлиги Принциплари Декларацияси, 27 июн 1981, ОАУ Doc CAB/LEG/67/3 rev.5; Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Конференциясида иштирок этувчи иштирокчи давлатлар вакилларининг 1986 йилги Вена учрашувининг якуний ҳужжати; 2000 йил октябрда “Америка Овози” сўз эркинлиги тўғрисидаги Америкааро декларацияси.

³² Миллий миқёсда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакати журналистларга ўз манбаларини ҳимоя қилиш учун махсус қонуний ҳуқуқлар тақдим этди. Манбаларни ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли халқаро текширувни кўринг, Privacy International, Silencing Sources: Журналистик манбаларга ҳимоя ва таҳдидларнинг халқаро шарҳлари, 2007; Article 19, Эд Молонеи ва Антони МакИнтире иши бўйича Амикус ишининг қисқача баёни, *Petitioners, vs United States*, 19 декабр 2012

қилмаслик ҳуқуқини назарда тутади, фақат оғир ёки ўта оғир жиноятлар (қотиллик, одам ўлдириш, оғир тан жароҳат етказиш) ёки айбланувчини ҳимоя қилиш учун керак бўлган ҳолатлар бундан истисно. Бундан ташқари, ҳамма мавжуд алтернатив чоралар кўрилган бўлиши керак ва ҳолис ва мустақил судлар томонидан ҳақиқий ва ошқора суд мажлислари орқали журналистга манбани ошқор қилиш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин.³³

Ўзбекистон учун бу соҳада устувор амалиётни куллаш афзалроқдир.

Тавсиялар:

- манбаларни муҳофаза қилиш қондаси мажбурий эмас, балки ҳуқуқ сифатида қаралиши керак ва у мунтазам равишда профессионал ёки мунтазам ахборот тарқатишда қатнашадиган ҳар бир кишига нисбатан қўлланилиши керак. Қонун манбаларнинг махфийлигига чеклашлар халқаро сўз эркинлиги стандартларига мос келишини таъминлаши керак.

³³ Масалан, журналистларнинг Ахборот манбаларини ошқор қилмаслик ҳуқуқи тўғрисидаги 40-сонли, 41 ва 48-бандлардаги ҳуқуқлари бўйича аъзо давлатлар учун Вазирлар кўмитасининг Р (2000) 7-сонли Тавсифига Изоҳли Мемарандумга қаранг.

Журналистларни аккредитация қилиш

Қонуннинг 11, 12 ва 13-моддалари журналистларни аккредитация қилиш билан боғлиқ. Бу моддалар журналистларни ҳукумат органи ёки бошқа ташкилотлар томонидан ёки чет эл давлатида ҳамда чет эллик журналистларни Ўзбекистонда аккредитация қилиниши мумкинлигини белгилайди; ва аккредитация қилинган журналистларнинг ҳуқуқларини белгилайди.³⁴ Қонунда чет эллик журналистларнинг аккредитациясини “агар амалдаги қонунчилик ёки бошқа қонунлар ҳамда халқаро шартномалар бузилган бўлса” бекор қилинишини кўзда тутди, шу билан бирга бундай қарорга эътироз билдирилиши мумкин. Қонунда бундай эътирозлар ўтказиш тартиби аниқланмаган.

ARTICLE 19 халқаро ҳуқуққа мувофиқ аккредитация қилиш барча талаблари бош жойлар ва тадбирларга қаратилган тарзда қулланиши кераклигини таъкидлайди. Хусусан, Инсон Ҳуқуқлари бўйича Қўмита қуйидагиларни таъкидлайди:

**Унинг амал қилиши ва қўлланилиши кераклик ва мақсадга муносиблигидан келиб чиқиши ва мунозарасиз бўлиши керак.....
Аккредитация схемасининг тегишли мезонлари аниқ, адолатли ва оқилона ва уларни қўллаш шаффоф бўлиши керак.**³⁵

Шунга ўхшаш тавсиялар сўз эркинлиги бўйича халқаро мандатлар томонидан ҳам таъкидланган:

³⁴ Мисол учун. Қонуннинг 11-моддаси 2018 йилнинг апрелида ўзгартирилган ва аккредитация қилинган журналистлар аккредитация қилувчи органнинг биноларига ташриф буюришлари, ушбу органнинг очиқ қўшма мажлисларида ва жамоат тадбирларида иштирок этишлари, ушбу органдан ҳужжатлар сўрашлари, нусхаларини олишлари ва журналистик материалларини тайёрлаш учун ушбу орган ёзувларидан фойдаланишлари шарт.

³⁵ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита, *Gauthier vs Canada*, Comm. No. 633/1995, 7 апрел 1999 йил, 13 боб.

Журналистларни аккредитация қилиш схемалари, фақат керакли жойларда ва / ёки тадбирларга имтиёзли киришни таъминлаш учун зарур бўлганда тегишли бўлиши мумкин; бундай схемалар мустақил орган томонидан назорат қилиниши ва аккредитация қарорлар олдиндан эълон қилинган аниқ ва камситилмайдиган мезонларга асосланган адолатли ва ошкора жараёнга мувофиқ амалга оширилиши керак. Аккредитация ҳеч қачон фақат алоҳида журналист ишининг мазмуни асосида бекор қилинмаслиги керак.³⁶

Article 19, аккредитация ҳеч қачон давлат ташкилотларини ёритиш журналистлар рухсатномаси сифатида фойдаланиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Шу сабабли, Қонун мунозарали аккредитацияни рад этишга қарши ва журналистиканинг функционал таърифига жавоб берадиган барча шахслар учун очиқ бўлишига кафолат бериши кераклигини таъкидлайди.

Тавсиялар:

- Қонунда аккредитация фақатгина жой камлиги сабабли барча истак билдирган журналистлар тадбирга қатнаша олмаслиги ёки муайян орган фаолиятини назорат қила олмаслиги сабабли қўлланилиши мумкинлигини кафолатланиши зарур. Қонунда аниқ аккредитация қоидалари сингари аккредитацияни ўзбошимчалик билан рад этишга қарши кафолатлар берилиши керак. Аккредитация мустақил ташкилот томонидан назорат қилиниши керак, масалан, журналистлар уюшмаси ва журналистларга аккредитацияни рад этилиши бўйича судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилиши керак.

³⁶ 2003 йил Кўшма декларация. Бундан ташқари, ЕХХТнинг Оммавий Азборот Воситалари эркинлиги бўйича вакили “аккредитация тизимига нисбатан кенг тарқалган нотўғри тушунчалар” унинг рухсат берувчи “функцияни яъни ҳукумат ёки бошқа тартибга солиш органининг журналистга аккредитация бериш, рад этиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга деб қаралишида” деб қайд этади. Акредитация олиш учун иш рухсатномаларини олгандек бир хил қоидаларни қўллаш орқали ҳукумат журналистларни ноқонуний назорат қилмоқда. “Махсус ҳисобот: ЕХХТ худудида журналистларни аккредитация қилиш, Кузатишлар ва Тавсиялар, 2006 йил 25 октябр.

Ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

Қонуннинг 14-моддаси (2018-йил апрелдаги киритилган ўзгартиришлар асосида моҳияти ўзгармаган) давлат идоралари, ўзини ўзи бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, агентликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари журналистларнинг турли хил ҳуқуқларини бузишлари шу жумладан цензура, уларнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, журналистларни таъқиб қилиш, ноқонуний тарзда уларнинг материалларини мусодара қилиш ва бошқа ҳаракатлар учун жавобгардирлар.

Гарчи давлат журналистларни ҳимоя қилиш тизими ва ушбу соҳадаги давлат ва бошқа институтларнинг жавобгарлигини ўрнатмоқчи эканлиги ижобий бўлсада, 14-моддадаги қоидалар аниқ эмас. Қонунбузарликлар учун жавобгарликни амалда қўллаш ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шу билан бирга, бу, Ўзбекистонда ҳаммани ҳимояловчи ва факатгина асл журналистларни ҳимоя қиладиган органни белгиламаган ҳар томонлама ва самарали қонун системаси ўрнатилганлигини англатилиши мумкин.

Тавсия:

- Ўзбекистон мамлакатнинг адлия тизими мустақил ва ҳар кимнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етарли даражада таъминланган бўлиши керак. Улар барча қонунчиликни сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига мос равишда шарҳлашлари керак. Халқаро қонунлар алла қачон ички қонунчиликнинг бир қисми бўлиши керак.

ARTICLE 19 ҳақида

ARTICLE 19 халқаро ва минтақавий даражада сўз эркинлиги ва ахборот эркинлиги учун прогрессив меъёрлар ишлаб чиқиш ва уларни миллий ҳуқуқий тизимларда жорий этишни қўллаб-қувватлайди. Ҳуқуқий дастур бир қатор халқаро ва қиёсий ҳуқуқ ва илғор амалиётлар асосида, шу жумладан тўхмат тўғрисида қонунчилиги, сўз эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилик, ахборотдан фойдаланиш ва эфирга узатиш тартиблари каби соҳаларида, меъёрий нашрлар чиқарган.

Ушбу нашрлар ва ARTICLE 19 умумий ҳуқуқий экспертизаси асосида ташкилот ҳар йили бир қатор ҳуқуқий таҳлилларни эълон қилади, қонуний таклифлар ва сўз эркинлиги ҳуқуқига таъсир кўрсатадиган мавжуд қонунларга шарҳлар беради. 1998 йилдан буён бутун дунё бўйлаб ижобий қонунчилик ислохотларини қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида амалга оширилган ушбу таҳлилий иш кўпинча таклиф қилинаётган ёки мавжуд ички қонун ҳужжатларида сезиларли яхшиланишларга олиб келаяпти. Барча таҳлилларимиз <https://www.article19.org/law-and-policy/> сайтида мавжуд.

Агар сиз ушбу таҳлилни батафсил муҳокама қилмоқчи бўлсангиз ёки ARTICLE 19 қонунчилик дастурига эътиборингизни жалб қилмоқчи бўлсангиз, биз билан legal@article19.org электрон почтаси орқали боғланишингиз мумкин.

DEFENDING FREEDOM OF EXPRESSION AND INFORMATION

ARTICLE 19 Free Word Centre 60 Farringdon Road London EC1R 3GA

T +44 20 7324 2500 F +44 20 7490 0566

E info@article19.org W www.article19.org Tw [@article19org](https://twitter.com/article19org) facebook.com/article19org